

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси

“Муסיкий шарқшунослик” кафедраси

Халқ муסיқаси ижоди фанидан

Курс иши.

**Мавзу: Қорақалпоқ
номаросим жанрлари.**

Бажарди: “Анъанавий чолғу ижрочилиги”

таълим йўналиши 2-курс талабаси

Хомидов Хусниддин

Қабул қилди: С.Ф.Н.доцент Ш.И.Ойхўжаева

Тошкент 2016

Режа.

Кириш

Асосий қисм

1.Қорақалпоқ этнографик
муסיқаси тарихи.

2. Қорақалпоқ маросим ва
номаросим жанрлари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Азалдан Оролбўйи халқлари дунё тарихи, тамаддуни, маданият ва маърифат тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келишган. Тарихий манбалар, археологик топилмалар бундан минг йиллар аввал ҳам бу ҳудудда ҳаёт, маданият, санъат гуллаб яшнаганини кўрсатади.

Маълумотларга қараганда, милoddан аввалги 7-6 асрларда Қорақалпоғистон ҳудудида қадимий давлатчилик марказлари юзага келган. Ҳудуддаги Қўйқирилганқалъа, Ойбўғир, Бурлиқалъа, Оқшоҳонқалъа харобаларида қадимий тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари топилган.

Хоразмшоҳларнинг Тупроққалъа саройи сўнгги антик даврнинг энг улкан ёдгорликларидан бири саналади. Оролбўйи ҳудудида асрлар давомида қорақалпоқ, ўзбек ва бошқа кўпгина туркий халқлар аҳил-инок умргузаонлик қилишган, не-не яхши-ёмон кунларни бошдан кечиришган. Хусусан ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ҳаёти, турмуш тарзи, тарихий, қадриятлари ва урф-одатларида ана шундай яқинлик яққол кўзга ташланади.

Бундай умумийлик халқ оғзаки ижодида, адабий ёдгорликларда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб” сингари дostonлар ўзбек ва Қорақалпоқ халқининг энг сеvimли дostonларидир.

Қорақалпоқ халқи ўзининг маросимлари ва номаросимларида турли чолғу асбобларидан фойдаланган ҳолда барча куй, кўшиқ, дoston, айтимларини ижро этиб келганлар. Бундай созларнинг асосийси Ғижжак ва Бўломондир. Ғиржек ва бўламондан ташқари чангқўбиз, қамиш сурнай ва болалар хуштаги (“искирауик”) киради. Ўтмишда қорақалпоқларда чиндовул, сурнай, карнай, ноғора, дап (доира) каби чолғуларнинг мавжудлиги ҳақида қаҳрамонлик дostonларида маълумотлар сақланган. Булардан кўбиз ва дотор кенг тарқалган, уларда моҳир созандалар томонидан қорақалпоқ мумтоз чолғу куйлари чалинади. Айниқса, дотор куйлари орасида “Мухаллес”, “Налиш” каби туркумий куйлар шаклан мураккаб ва ифода воситаларининг бойлиги билан ажралиб туради. Қорақалпоқ халқ анъанавий мусиқа

ривожланишига XX асрда Нурабулло жиров, Ерпўлат жиров, Хўқиз жиров, Жумабой жиров, Қиёс бахши Ҳайратдинов, Жапақ бахши Шомуротов, Есжан бахши Қоспўлатов, Кенжабой бахши Тилевмуротов, Қорақалпоғистон халқ артисти Т.Қурбонов ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Асосий қисм

1. Қорақалпоқ этнографик мусиқаси тарихи.

Қадимги ва бой тарихга эга қорақалпоқ фольклорининг асосини бахшичилик санъатига доир лирик ва эпик асарларнинг барча турлари ташкил этади. Лирик жанр асарларига халқ достонлари, термалар, маталлар ва маросим қўшиқлари ҳисобланган ёр-ёр, хаужар, жўқлов, ярамазон, гулапсан, бадик ва бошқалар, шунингдек, бахшичилик йўналишига айтис (айтишув, қўшиқ-беллашувлар), матал ва мақоллар, масаллар, тез айтиш; эпик жанр асарларига эртак, тўлгов, терма, достонлар киради. Достонлар қорақалпоқ фольклорининг асосий жанри бўлиб, тўрт тур (қаҳрамонлик, лирик, ижтимоий-маиший, тарихий достонлар) га бўлинади. Қорақалпоқларда кенг тарқалган достон “Алпамис” достони, шу каби “Едиге”, “Қублон”, “Қирқ қиз” машҳур достонлари қўйланиб келинмоқда.

Қурбонбой Тожибоевдан илк бор “Қирқ қиз” достони 1940 йили фольклорист А.Бегимов томонидан тўлиқ ёзиб олинади ва кейинги йиллар нашр этилади. Машҳур “Қирқ қиз” достонининг дастлабки қуйловчиларидан бири сифатида жиров Жиен Тоғай ўғли тан олинади. Достонда қорақалпоқ халқининг чет эл босқинчиларига (қалмоқ хони Суртайшо ва Эрон ҳукмрони Нодиршоҳ, умуман, қизилбошлилар) қарши кураши акс этирилади, жангларда Гулойим бошлиқ қирқ қиз ва Хоразм баҳодири Арслон чексиз қаҳрамонлик намуналарини намойиш этадилар. Қурбонбой жиров Қорқалғистоннинг Тўртқўл туманида яшаб ўтган, ёшлик онлари у даврининг кўзга кўринган бахшиси Холмурот (вафоти 1902) дан достон айтиш сирларини ва қисман мусиқа чалиш машқларини ўрганади. Қорқалпоқ жирови Холмурот Нурота (Самарқанд вилояти) да яшаган ва шу ерда умргузаронлик қилиб, маҳаллий бахшилар билан борди-келди қилиб турган. Бу шунинг асосида, демак Тўртқўл ва Нурота жиров ҳамда бахшиларининг достончилик анъаналари бир бешикда вояга етиб, бир булоқдан баҳра олган. Икки ўртадаги ушбу хил алоқалар табиийки, кейинги

давр дostonчилиги мактабларининг камолотига ўз таъсирини ўтказган, оқибатда муштарак дostonчилик анъаналари ривож топа борган.

Қорақолпоғистон мусиқа маданияти узок тарихга эга бўлиб, ҳозирги кунда бой мусикий фольклор, оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа ва, шунингдек, XX асрда ривож топган композиторлик ижодиёти намуналарига эгадир. Мусикий фольклор шакллар асосини бахши кўшиқлар ташкил этади. Халқ маросимлари билан боғлиқ бир қанча жанрлар, яъни бахшилар томонидан айтиб келинаётган мавсум маросим кўшиқлардан “Айдар-айдар” шамолни чақириш, диний маросим “Ярамазан”, оилавий маросим ва маиший кўшиқлардан “Яр-яр”, “Ҳеужар”, “Ўлен”, “Синсиу”, “Жоклау” ва бошқалар унинг энг қадимги қатламини ташкил этади. Бадиий мазмунига кўра халқ бахшилари кўшиқлари ишқий-лирик, тарихий, маросим, аёллар (қизлар), болалар кўшиқларидан иборат. Уларнинг аксарияти диатоник ладларга асосланиб, оҳанглари мелизматик безакларга бой, куйчанлик хусусиятларга эга. Қорақалпоқларда исломдан олдинги маданият ҳисобланувчи рухларни чақириш, улар ёрдамида беморларни даволаш учун порхан (парихон) лар томонидан ижро этилган “Бадик”, “Тулапсан” сингари айтимлар ҳам сақланиб қолган. Фольклор мусиқасида аёллар (қизлар) нинг чангқўбиз мусиқаси, йигит-қизларнинг театрлашган ўйин-кўшиқлари, лапарлари (“Яғлы бахар”) мавжуд.

Қорақалпоқларнинг оғзаки анъанадаги профессионал мусиқасининг марказий қисмини дoston мусиқаси эгаллайди. Қорақалпоқ дoston ижрочилари 3 турга бўлинади: жировлар, бахшилар ва қиссахонлар, уларнинг ҳар бири ўзига хос маълум ижтимоий-сиёсий шароитда юзага келган. Шунингдек, улар бир-биридан репертуаридаги дostonлар мазмуни, ижро услуби, дostonнинг махсус айтимлари ҳамда мусикий чолғу жўрнавозлиги жиҳатидан фарқ қилади. Жировлар фаолияти анъанавий ижоднинг энг қадимги қатламига мансуб бўлиб, қаҳрамонлик дostonларни (“Қоблан”, “Шарьяр”, “Едиге”, “Алпамис”, “Маспатша”), тарихий тўлғовларни ички овозда кўбиз жўрлигида ижро этади. Б а х ш и (бакси) лар

ишқий-лирик ва қаҳрамонлик дostonларни (“Юсуф-Зулайха”, “Зауре-Тайир”, “Юсуф-Аҳмет”, “Гўрўғли”) ҳамда мумтоз шеърят асарларини очик овозда, дотор ва ғижжак жўрлигида (гоҳида бўламон ҳам қўшилади) ижро этишади. Куйлар мураккаблиги, ифода воситалар бойлиги билан жировдан фарк қилади. Қиссахонлар кўпинча саводхон шахслар бўлиб, халқ йиғинларида дoston қўлёзмаларини ўқиб ёки ёддан айтиб беришади. Улар шеърларни фақат ўзига хос, нутқ интонациясига яқин айтим куй (нама) ларга солиб, муסיқий чолғу жўрлигисиз очик овозда ижро этишади.



2. Қорақалпоқ маросим ва номаросим жанрлари.

Қорақалпоқ халқ номаросим мусиқий маданияти ўзбек халқининг маданиятига ўхшаш турли тумандир..

Номаросим жанрлар куй -қўшиқ ва лапарлар билан ўтказилган. Номаросим жанрлар бирор бир удумга асосланмаган. У асосан инсонларнинг турмуш юмушларини бажараётганда вақт ўтиши ва юмуш қийинчиликларини сездирмаслик асосида амалга оширилган куй қўшиқ ва ўланлардир.

Бу номаросим жанрлар халқнинг турмуш тарзи ва унда учрайдиган қийинчилик ларни ёритиб келган.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ мусиқа ижодиётининг алоҳида гуруҳи сифатида тасниф этилган "муайян вазият ва тадбиру — маросим билан шартланган айтим — куйлар"нинг ҳозирги кундаги ҳаёти бирдек кечмаяпти. Табиийки, айрим маросим, урф-одат ва меҳнат турларининг ижтимоий моҳияти ўз кучини йўқотиб бориши натижасида улар билан боғлиқ айтим ёки куйларнинг ҳам дастлабки вазифаси ўзгариб, эндиликда "номаросим" халқ мусиқаси гуруҳига тааллуқли бўлиб қолмоқда, баъзи намуналар эса буткул унутилиш даражасига етган. Юзага келган бу вазиятда Республикамизда бир қатор чора ва тадбирлар (шу жумладан, фольклор-этнографик ансамблларининг тузилиши ва фаолиятига катта эътибор берилган бошланганлиги, кўплаб кўрик-танловларнинг ўтказилиши, мусиқий фольклор намуналарининг турли даражадаги таълим-тарбия жараёнларига жалб этилиши) амалга оширилдики, бу хусусда батафсилроқ тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Эътироф этиш керакки, бизнинг давримизга қадар етиб келган мусиқий фольклор намуналари кўпроқ вилоятларнинг қишлоқ туманларида ўзининг табиий ҳаётини давом эттириб келаётган бўлсада, бироқ шаҳар муҳити, турли ижтимоий гуруҳларнинг маънавий талаб-эҳтиёжлари таъсирида хилма-хил тус олмоқда. Бу жаҳада яъни халқ айтими ва куйларини тингловчига сахна орқали етказиш борасида ҳам бир неча кўринишлар юзага келганки, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

Фольклор намуналарини табиий асл холига мос қайта садолантириш;

Муסיқий фольклорни "сахна талаблари"га мувофиқ қайта ишлов асосида ижро этиш;

Халқ айтимлари ва куйларини эстрада йўсинида ижро этиш.

Муסיқий фольклорнинг эстрада қиёфасига тобора жадал кириб бориш тамойили жахоннинг қарийб барча йирик марказий шаҳарларига хос жараён бўлиб қолмоқда. Бизда эса бу жараён яна ёш эстрада соҳасининг миллийлашуви билан ҳам борлиқдир. Ва, кўп ҳолларда, айнан шундай бадиий жараёнлар воситасида ёш авлод вакилларининг турфа муסיқий фольклор билан "илк танишувлари" рўй бермоқда. Бироқ шу асосда муסיқий диди ва тинглов малакаси ҳосил бўлган ёшларнинг аксарияти фольклор кийматини унинг асл табиий ҳолида намоён бўлишини тўла идрок эта олмаётганликларини таъкидлаш керак.

Айни пайтда мавсум ва маросим куй-қўшиқларини ўрганиш (баъзи ҳолларда қайта тиклати) ва тарғиб этишда фольклор-этнографик ансамблларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Халқ муסיқа ижодиётининг "номаросим" айтимлари гуруҳига мансуб терма, қўшиқ, лапар, ялла ва ашула каби намуналарга оммавий ахборот воситалари кўмагида кенг тус берилиб, турли фестивал ҳамда кўрик-танловларнинг ўтказиб турилиши ҳам ўзига хос анъана бўлиб қолмоқда.



Хулоса

Муסיқа инсоннинг диди, тасаввури ва туйғуларини тарбиялаш билан бирга, биринчи навбатда, бизга ички хотиржамлик бағишлайди. Баъзан ақл-заковат ҳам англашга ожизлик қиладиган ботиний ритмларни уйғотади, аллалайди. Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида муסיқа санъатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибордан мақсад ҳам ягона — ўз ҳаётий мезонларини нафис санъат тамойиллари асосида шакллантирган, диди ўткир, тасаввури тиниқ, тафаккур доираси кенг ёшларни вояга етказишдан иборат. Зеро, муסיқага ошно одамнинг йўли ҳамиша эзгуликка туташ бўлади.

Бу жараёнда Шарқ муסיқаси — катта тарбия мактаби. Бу муסיқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда. Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Миллий санъатимизни асраб-авайлаш, мазмунан бойитиш ва уни бутун жозибаси билан келажак авлодга етказиш борасида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда муסיқашунос олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Олимларимиз олдида асрлар давомида яратилган халқ муסיқий меросини қайтадан ўрганиш, уларнинг асл қиймати ва қадрини тиклаш асосий вазифага айланди. Хусусан, миллий муסיқа санъатининг гултожи ҳисобланган “Шашмақом” ва мақом санъати, анъанавий ижрочилик, халқ фольклор мероси, куй ва қўшиқларнинг умуман, миллий муסיқа тарихининг ўрганилиши билан боғлиқ улкан ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, Санъатшунослик илмий-тадқиқот инситутида ҳам миллий муסיқа меросимизни асраб-авайлашда, илмий ўрганишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоқ фольклорида эртак, лапар, жумбоқ, қўшиқ ва термалар ҳам жуда кўп яратилган. Бу лирик асарларда хон ва бойлар, мулла ва эшонларнинг адолатсизлини, меҳнаткаш халқнинг азоб-уқубат чекиши ва ўша замондаги урф-одатлар тасвирланган. Маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти

унинг маданияти ва санъати даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида, давлатнинг маданият ва санъатга бўлган муносабати жамиятнинг ривожланиш даражасини аниқлайди.

Халқ қўшиқлари, ўз навбатида, муסיкий хусусиятлари билан ҳам умумлашган айрим жанр ва турлардан иборатки, бунда мавзу талқини ва қўшиқнинг ижро этиш муҳити, услуби асосий ўрин тутди. Умумий жанрлар таркибига маълум ҳаётий жараёнларда, масалан, меҳнатда (деҳқончилик, чорвадорчилик ва ҳунармандчилик қўшиқлари), болани бешикда тебратишда (алла қўшиқлари), тўй маросимларида (Бешик, Суннат, Мучал ва Никоҳ тўйлари билан боғлиқ қўшиқ- айтимлари ва чолғу куйлари), азада (дафн ва мотам айтимлари) ижро этиладиган муסיқа асарлари киради. Ўзига хос жанрларга лирик ва маиший қўшиқлар ва қўшиқ жанрлари – терма, қўшиқ, лапар, ялла ва ашула киради, улардан ташқари, Қорақалпоқ минтақасидаги мавриги, қарсак, байтлар ва айтишувлар (ишқий-лирик ва ҳажвий мавзуда кенг тарқалган). Қишлоқларда оммабоп бўлиб кетган дoston термалари ва бахши термалари ҳам ушбу гуруҳга киради. Ягона жанр турлари ижрочилик услублари ва ифодавий воситалари билан маҳаллий анъаналарга таянган – садр, жаҳр, алас, қўшноч, ғўянда, туя қадам каби айтим-қўшиқлардан ташкил топган. Қорақалпоқ халқининг бой маданий меъроси ҳозирги кунгача тўлиқ сақланиб келинмаган. Бунга сабаб эса бу халқнинг кўчманчи бўлиб яшаганлиги ва кўп йиллар давомида босқинчилар исканжасида яшаганлигидир. Бугунги кунга келиб президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасига кўра барча миллий қадриятлар қайта тикланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод орзуси". Тошкент, "Шарқ" нашриёти матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, Тошкент 1999
2. И.А.Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" Тошкент, "Шарқ" нашриёти 1998
3. Л.Х.Жумаева "Ўзбек хор музыкаси тарихидан", Тошкент 2000
4. Д.Рахматуллаева. Ўзбек музыка тарихи 21 аср бўсағасида. Тошкент 2000
5. А.Жабборов "Ўзбекистон бастакорлари ва музикашунослари". Тошкент, "Янгиаср авлоди" 2004
6. М.Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти 1993
7. Р.Юнусов Ўзбек халқ музыка ижоди. Тошкент 2000
8. Р.Абдуллаев. Обрядовая музыка Центральной Азии. Ташкент "Фан" 1994